



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

## Марафон

# «САЙЁРАМИЗ КЕЛАЖАГИГА ҚЎШГАН ҲИССАМИЗ»



14-15 сентябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасидаги ноёб табиий маскан — Борсакелмас ҳудудида “Сайёрамир келажакига қўшган ҳиссамиз” шиори остида халқаро экомарафони бўлиб ўтди.

Тадбир Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан ПроРун югуриш мактаби ҳамда «Ўзбекнефтгаз» АЖ билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Жорий йилда марафонда рекорд даражадаги — Ўзбекистон, Ҳиндистон, Кения, Того, Судан, Иордания, Испания, Канада, Дания, Беларус, Россия каби 11 давлатдан 250 нафар профессионал ва ҳаваскор югурувчи иштирок этди. Югурувчилар орасида Нике компаниясининг муслмон аёллар ўртасида югуришни тарғиб қилувчи элчиси Фараҳ Маждид ва Адидас вакили Ғани Сулаймон бор. Иштирокчиларнинг турли давлатлардан эканлиги тадбирнинг халқаро мақомга эга эканлигини ва тобора оммалашиб бораётганини кўрсатади.

Иштирокчилар хавфсизлиги ва қулайликни таъминлаш мақсадида марафонни ташкил этишга 200 киши жалб этилди. Икки кунлик тадбир дастурида ўтов лагеридида жойлаштириш, маданий дастур,

этно-шоу, Борсакелмас шўрхок ҳудудига саёҳат, 42 км марафон, 21 км ярим марафон ва 5 ҳамда 10 км масофага югуриш ўрин олди.

Таъкидлаш жоизки, Борсакелмас марафони нафақат спорт тадбирига, балки инсон ва табиат бирлигининг ҳақиқий байрамига айланди. У спорт нафақат мусобақа, балки атрофимиздаги ҳайратланарли оламни кашф этиш ва уни асраб-авайлашга ҳисса қўшиш воситаси бўлиши мумкинлигини исботлади. Ушбу марафон югурувчиларни, экотуристарни ва атроф-муҳитга ғамхўрлик қилаётганларни сайёрадаги ноёб жойларни сақлаш учун ягона ҳаракатга бирлаштирди. Иштирокчиларга ҳақиқатан ҳам муҳим бўлган табиатимизни қўллаб-қувватлаб, ўз куч



ва матонатини намойиш қилиш имконияти берилди.

Ташкилотчилар Борсакелмас марафони ҳар йили ўтказиладиган тадбирга айланиб, иштирокчилар ва эътиборни экологик муаммолар ва ноёб табиий объектларни асраб-авайлаш масалаларига тобора кўпроқ жалб этишига умид билдиришди.

Маълумот учун, Орол денгизи муаммосига дунё ҳамжамияти эътиборини жалб қилиш мақсадида доимий тарзда ўтказиб борилади. Хусусан, 18 апрель куни “Арал Ҷаё Расе” экомарафони, 23-июн куни эса “Арал Ҷаё Эсо Маратхон” (“Орол денгизиди экомарафон”) ўтказилди. Бундай марафонлар ҳар йили ташкил этилади ва экологик тарғиботни янада кучайтириш, экомаданиятни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Ахборот хизмати**



## Муносабат

# ЖАМИЯТ ИСЛОҲОТЛАРИ

**мамлакат  
таракқиёти  
ва халқимиз  
фаровонлигига  
хизмат қилади**

Кейинги йилларда мамлакатимизда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида амалга ошириладиган демократик ислохотларда фуқаролик жамияти институтларининг роли, аҳамияти ҳамда ижтимоий фаоллиги ошиб бормоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, уларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллик кўрсатмоқда.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “Фуқаролик жамияти институтлари” учун алоҳида боб (13-боб) ажратилиб, фуқаролик жамиятининг асоси конституциявий меъёр билан белгиланди.

Давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ва конструктив мулоқот механизмлари йўлга қўйилиб, нодавлат нотижорат ташкилотларининг эҳтиёжларини тизимли таҳлил қилиш ҳамда давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш учун майдон яратилди.

(Давоми 2-саҳифада)



# ЖАМИЯТ ИСЛОҲОТЛАРИ

мамлакат таракқиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилади

(Боши 1-саҳифада)

Бир сўз билан айтганда, мамлакатнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш бўйича тизим яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 26 август куни қабул қилинган “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ислохотларнинг мантикий давоми бўлди.

Фармоннинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у билан фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизimini янада такомиллаштириш бўйича “стратегия” тасдиқланди, десак ҳар тарафлама тўғри бўлади. Яъни, фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг олтига энг муҳим йўналишлари ҳамда уларнинг қай тартибда амалга оширилиши белгилаб берилмоқда.

Давлат ва жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини янада ошириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳаларни ривожлантиришда уларнинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш белгилаб берилмоқда.

Буни нимада кўришимиз мумкин?

Энг аввало давлатимиз раҳбарининг “жамият ислохотлар ташаббускори” деган ғоясини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Мазкур ғоядан келиб чиққан ҳолда миллий давлатчилигимиз бошқарувида туб ислохотлар амалга оширилди. Бугун жамият том маънода ислохотлар ташаббускорига айланди. “Жамоатчилик маъқул деса маъқул, номаъқул деса номаъқул бўлади” деган эзгу ташаббус давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ўз ифодасини топмоқда.

Юртимизда қабул қилинаётган Қонун, Фармон қарор ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамоатчилик билан бамаънаво қабул қилиниши, керак бўлса “жамоатчилик экспертизаси”дан ўтказиш тизими жорий қилинди. Бу, ўз навбатида, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг биринчи навбатда халқ манфаатларига асосланган ҳолда қабул қилинишига замин яратади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Фармон билан Ўзбекистон нодавлат ноижорат таш-

килотлари миллий ассоциацияси раисига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари (комиссиялар) мажлисларида нодавлат ноижорат ташкилотларининг вакили сифатида иштирок этиш ҳуқуқи, шунингдек ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини жорий қилиш, уларни амалиётга тўғри қўллаш юзасидан таклифлар киритиш ҳамда нодавлат ноижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ваколати берилмоқда.

Мазкур амалиётнинг жорий этилиши юқорида айтиб ўтганимиздек, жамоатчилик назоратининг мақбул шакллари билан бири – жамоатчилик экспертизасининг соҳавий йўналишлар бўйича амалга оширилиши ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий шерикликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Жамият манфаатлари ва аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларини кўзлаган, жойларда сакланиб қолаётган долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббусларни рўёбга чиқаришга қўмаклашиш борасида ҳам қатор қулайликлар белгилаб берилмоқда.

Яъни, энди фуқаролик жамияти институтлари тегишли соҳа ва тармоқларда мавжуд муаммоларнинг таъсирчан ечимини назарда тутувчи ташаббусли лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида манфаатдор давлат органига таклифлар киритиш ҳуқуқи эга бўлади. Ўз навбатида уларнинг ташаббусли лойиҳалари белгилаб берилган тартибга мувофиқ тегишли давлат органи хузуридаги жамоатчилик кенгаши томонидан ижобий баҳоланган тақдирда, унинг ташаббускорига давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача миқдорда тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли билан ижтимоий буюртма берилиши мумкинлиги белгилаб қўйилмоқда.

Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш учинчи асосий йўналиш сифатида белгиланиб, унга кўра вазирликлар, идоралар, Қорақоғонiston Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан соҳавий ва ҳудудий фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан ҳар йили камида бир маротаба очиқ мулоқотлар ўтказилиши, вазирлик ва идоралар-

га ҳар йили фуқаролик жамияти институтларига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижтимоий буюртма бериш бўйича танловлар ташкил этиш мажбурияти юкланмоқда.

Қайд этиб ўтиш керакки, мамлакатимизда “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилига мос ҳолда изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

“Ўзбекистон — 2030 стратегияси”да ҳам бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, 2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичларида “Ижтимоий шерикликда амалга ошириладиган лойиҳалар сонини камида 3 бараварга кўпайтириш”, “Давлат дастурларида иштирок этаётган нодавлат ноижорат ташкилотлари сонини камида 80 тага етказиш” устувор вазифалар сифатида Стратегиянинг 83-мақсадида ўз ифодасини топган.

Фармон билан белгилаб берилган учинчи асосий йўналиш Стратегиянинг мазкур мақсад ва вазифалари ижросининг ўз муддатларида ва сифатли амалга оширилишида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Яна бир муҳим масала, фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга қўмаклашиш йўлида таъсирчан жамоатчилик назорати олиб борилишини рағбатлантириш тўғрисида йўналиш сифатида белгилаб берилмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, дунёда жамоатчилик назоратидан кўра самарали бўлган назорат тизими йўқ! Жамоатчилик назорати бор жойда таракқиёт бўлади!

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида “Жамоатчилик назорати субъектлари” белгилаб берилган бўлиб, унга кўра “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгилаб берилган тартибда рўйхатга олинган нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектларидир” деб белгилаб берилган.

Яъни, ҳар бир инсон биринчи навбатда ўзини ўзи назорат қилдиган бўлса, ундан кейин ён атрофида бўлаётган воқеа ходисаларга бефарқ бўлмаса, бошқа назоратга эҳтиёж сезилмайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари хузурида жамоатчилик кенгашлари

фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан давлат органлари хузурида жамоатчилик кенгашлари ташкил қилинган бўлиб, уларнинг аксариятида Кенгаш раиси давлат органи вакиллари эди.

Эндиликда давлат органлари хузуридаги жамоатчилик кенгашлари раислари фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасидан тасдиқланиши, улар фаолиятининг самарадорлиги ҳар йили баҳоланиши ва натижалари эълон қилиниши, шунингдек, жамоатчилик кенгашларининг фаол аъзолари давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантириб борилиши белгилаб берилмоқда.

Бундан ташқари, Фармон билан фуқаролик жамияти институтларининг хориждаги ватандошлар билан алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг хориждаги уюшмалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларга ўз фаолиятини амалга ошириши учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳар йили декабрь ойининг биринчи ҳафтасида “Фуқаролик жамияти ҳафталиги”ни ўтказиб бориш, унинг доирасида Олий Мажлис, Адлия вазирлигида нодавлат ноижорат ташкилотлари вакиллари билан учрашув ва мулоқотлар ўтказиш, фуқаролик жамияти институтларини рағбатлантириш бўйича тадбирлар ташкил этиш, шу жумладан, “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишонини билан тақдирлаш, ҳар икки йилда тақдирланадиган “Фуқаролик ташаббуси” миллий мукофотини таъсис этиш, журналистлар ўртасида ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритиш йўналишида номинация ташкил этиш ҳам фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан тизимли қўллаб-қувватлашнинг амалий ифодаси, десак ҳеч ҳам муболаға бўлмайди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, жамият ислохотлари мамлакат таракқиёти ва халқимиз турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

**Дилмурод ИЗЗАТОВ,**  
Ўзбекистон нодавлат ноижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси бошлиғи.

## КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ИШЛАРИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТГА ОЛИНАДИ

**Бугунги кунда аҳоли ўртасида камбағаллик ва ишсизликни тугатиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Сабаби, давлатимиз сиёсатида инсон манфаатлари, ижтимоий адолат тамойиллари устувор. Шу боис, юртимизда аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик борлиги тан олинди, уни қисқартириш бўйича алоҳида тизим жорий қилинди.**

Ушбу йўналишдаги ишлар 2020 йилда бошланган бўлиб, ўшанда 7,5 миллион ёки 23 фоиз аҳолининг даромади камбағаллик чегарасига етмасди. Ўтган йилларда 3,5 миллион одамни даромадли қилиш орқали 2023 йил якуни билан камбағаллик даражаси 11 фоизга тушди.

Ижтимоий ҳимоя қамрови 4,5 карра кенгайтирилиб, ўтган йили 12,3 триллион сўм йўналтирилди. Маҳаллада камбағалликни қисқартириш, тадбиркорлик лойиҳаларига 35 триллион сўм арзон кредит, 7 триллион сўм субсидия берилди. Қолаверса, 260 минг гектар ер 800 минг аҳолига деҳқончилик қилиб, даромад топиши учун тарқатилди.

Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида фуқароларимиз тайинли иш жойига, яхши даромад манбаига эга бўлди. Хорижга иш излаб кетишдек оғир муаммолардан қутилди. Лекин, бу борадаги ишларни ҳамма вилоят ва туманда ҳам бир хил, деб бўлмайди. Масалан, ўтган олти ойда Навоий, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўзгариш бўлмаган.

Ўн бешта туманда камбағаллик 20

фоиздан юқори бўлса, 16 та туманда аҳолига бўлиб берилган ерларда 2-3 мартадан ҳосил олингани ҳисобига камбағаллик 2 карра камайган. Улар бугун нафақат бозорларимиз тўқинлигига ўз ҳиссасини қўшапти, балки яхши даромад олиб, оиласи бағрида фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Президентимиз раислигида шу йил 11 сентябрь куни камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу йўналишда мутасаддилар олдида аниқ вазифалар қўйилди.

Бу борада кейинги йиллар учун “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури тайёрланаётгани, унда еттига имконият ва масъулият тамойили асосида Ўзбекистонни навбатдаги янги ёндашувлари белгилаб берилиши аниқ муддаодир.

Шунингдек, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳокимликлар билан бирга бу йил ҳар бир маҳаллани тўлиқ хатловдан ўтказиб, “камбағал оилалар портрети”ни ишлаб чиқиши, камбағал оила бўйича индивидуал дастур бўлиши ҳамда

иктисодий комплекс оилаларни камбағалликдан олиб чиқиш билан шуғулланиши, ўйлайманки, янги иш ўринларини яратиш билан бирга, камбағаллик даражасини қисқартиришга ҳам хизмат қилади.

Биламизки, камбағалликни камайтиришнинг энг муҳим йўлларида бири бу — тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдир. Яъни улар яратган даромадли иш ўринлари камбағалликни камайтиришга ёрдам беради. Бугун юртимизда камида 50 та иш ўрни яратган 9 минг 200 га яқин тадбиркор бор. Агар уларнинг режалари қўллаб-қувватланса, фаолиятини кенгайтириб, яна ишчи олиши мумкин. Масалан, Андижон вилоятидаги 58 та парранда корхонаси тухум етиштиришга 10 минг эҳтиёжманд аҳолини жалб қилиш, 660 та балиқ хўжалиги кооперация орқали яна шунча иш жойи яратиш ташаббусини билдирган. Йиғилишда бундай лойиҳаларни молиялаштириш бўйича янги тизим қилиш ва бошқа ҳудудларда ҳам кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди. Бу юртимизнинг ҳар бир хонадонига, гўшасига ободлик, фаровонлик кириб боради дегани.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг сифатли таълим ва тарбия олишига алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу бежиз эмас. Чунки оилада бир нафар қиз ўқиб, олий маълумотга, замонавий

касб-хунарга эга бўлса, хонадондаги муҳит бутунлай ўзгаради. Йиғилишда ҳар бир камбағал оилада, айниқса, хотин-қизлар орасида олий маълумотлилар бўлишига алоҳида эътибор қаратилиши, бунинг учун улар фоизсиз таълим кредитлари, грантлар ва бошқа молиявий ёрдамлар орқали қўллаб-қувватланиши айтилдики, бу минг-минглаб қизларнинг аниқ дилидаги гап бўлди.

Шубҳасиз, инсонни энг оғир вазиятлардан илм, билим, хунардан қутқаради. Бу нафақат иқтисодий, балки миллат учун тарбиявий аҳамиятга эга. Илмга интилган ёшларимизни моддий қўллаб-қувватлаш меҳнат бозорида кучли кадрлар, эртанги кунга ишончи баланд, ҳар қандай мураккаб вазиятлардан чиқа оладиган ёшларни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, бугун мамлакатимизда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш орқали бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича барча чоралар кўрилмоқда. Йиғилишда белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш биз, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди ва бу борада биз янада фаол бўламиз.

**Шоҳиста ТУРҒУНОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси депутати.**

## ТИББИЙ СУҒУРТА

аҳолидан қўшимча тўлов ундирилмайди

Соғлом жамият, аҳоли саломатлиги давлатнинг стратегик мақсади, миллий хавфсизликнинг муҳим шарти саналади. Чунки фақат соғлом инсонгина келажакка тийрак нигоҳ билан боқиши, ўз оиласи билан биргаликда туғилиб ўсган ватани тараққиёти йўлида изланиши, янги-янги ғояларни ҳаётга татбиқ этиб, юрт ривожига муносиб ҳисса қўшиши мумкин.

Шу боис, мамлакатимизда барча соҳалар қаторида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, уни тубдан яхшилаш бўйича Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинмоқда. Мақсад битта — шифо истаган кўнгилашга йўл топиш, уларга сифатли тиббий хизматни ташкиллаштириб бериш, тизимда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш.

Агар рақамларга эътибор берадиган бўлсак, охириги етти йилда соҳага ажратилаётган маблағлар сезиларли даражада ошди. Биргина 2024 йилга келиб тиббиёт соҳасига бюджетдан 33,4 триллион ажратиш кўзда тутилган бўлиб, бу маблағ 2016 йилга нисбатан 6 баробар кўпдир.

Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифати, самарадорлиги ва қулайлиги ошди. Тиббиёт муассасалари тармоғи кенгайиб, тиббий хизмат аҳолига янада яқинлаштирилди. Кўплаб оилавий поликлиника ва оилавий шифокорлик пунктлари қайтадан ташкил этилиб, бирламчи бўғинда тиббий профилактика ва патронаж хизматининг мутлақо янги тизими жорий қилинди.

Шунингдек, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қатор мақсадли миллий дастурлар амалга оширилди. Жумладан, оналар ва болаларга хизмат

кўрсатувчи муассасалар незидида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг 14 та филиаллари ташкил этилмоқда.

Эътиборли жиҳати, тиббиётнинг шошилини ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ҳар йили 900 минг нафардан ортиқ беморни шошилини тиббий ёрдам тизими муассасаларида стационарда даволаш, 1 миллион нафардан ортиқ беморга амбулаторияда тиббий ёрдам беришни таъминлаш, тез тиббий ёрдам хизмати томонидан бир йилда 13 миллионга яқин чақириқни бажариш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Албатта, ушбу соҳага бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликни эрта аниқлаш ва даволашда бирламчи бўғин жуда муҳимдир. Демак, бу йўналишдаги ислохотларни халқимизнинг, айниқса, олис ҳудудлардаги аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини чуқур ўрганган ҳолда босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда тиббий суғурта механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишиш давомида ушбу масалага алоҳида тўхталиб, бу борада устувор вазифаларни белгилаб берди.

Қайд этилганидек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлардан яна бири — давлат тиббий суғуртаси. Бу борада муайян ишлар бошланган ва тайёргарлик кўрилган. Хусусан, давлат тиббий суғуртаси тизимини шу йил 1 октябрдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Сир-



дарё вилоятида, 2025 йил 1 январдан Қорақалпоғистон Республикасида жорий этиш тақлиф этилмоқда.

Бунинг учун 2024 йил якунига қадар “Электрон поликлиника” ва “Электрон шифохона” ахборот тизимлари жорий қилиниши, тиббиёт ходимлари улардан фойдаланиш бўйича ўқитилиб, муассасалар зарур техника ва тармоқ қурилмалари билан жиҳозланиши Янги Ўзбекистонда инсон саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси десак, янглишмаймиз.

Ушбу тизимнинг аҳамияти шундаки, тиббиётда натижага асосланган молиялаштириш усуллари татбиқ қилинади. Энг муҳими, суғурта доирасида тиббий хизматларни кўрсатиш ва дори воситаларини тақдим этиш давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади, аҳолидан қўшимча тўлов ундирилмайди.

Мухтасар айтганда, бугун соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилган ислохотлар натижасини одамлар ўз кундалик ҳаётида, турмушида ҳис қилапти ва буни ҳозир ҳар қадамда эътироф этмоқда. Тақдимот давомида белгилаб берилган аниқ вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш биз, депутатлардан ҳам яқдиллик ва фаоллик талаб этади. Зотан, инсон учун унинг соғлиғидан ортиқ бойлик йўқ экан, буни аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар ўртасида кенг тағиб қилишимиз аниқ муддаодир.

**Музафара АБДИЕВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

## уларни ягона умуммиллий ғоя атрофида бирлаштириш эҳтиёжи ва имкониятлари

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар давлатимиз равнақи учун тамал тоши ва асоси бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Шу билан биргаликда, жаҳонда глобаллашув жараёнининг кучайиб бориши ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш масаласининг тобора долзарблашиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Ахборот-мафкуравий уруш глобаллашув жараёнининг маҳсули бўлиб, ҳозирги шароитда мафкуравий таъсир ўтказишининг ниҳоятда ўткир куралига айланиб, турфа хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини айтиш ўринли.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2023 йил 22 декабрь кунини Республика маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида “Биз бугунги кескин шароитда ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрмизми? Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб бераётганими? “Булар оддий саволлар эмас. Одамни жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволлар. Агар биз бу ёруғ дунёда “Ўзбек”, “Ўзбекистонлик”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади”, деб бекорга таъкидламадилар.

Дарҳақиқат, атрофимизда ижтимоий-маънавий ҳамда маданият соҳасида кечаётган воқеаларни таҳлил қилиб кўрсак, бадий фильм, реклама, жумладан, кўчалардаги баннерларда, мусика ва клипларда фақат пул, бойлик ва маънавиятсизлик тарғиботи мавжуд. Айрим ҳолларда, мутлақо миллий маънавиятимизга зид кўришиллар, саҳналар намойиш этилаётгани кўришимиз мумкин.

Демак, ахборот хуружини баргараф этиш мақсадида ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳуқуқий, тузилмавий ва ғоявий асосларни ўзида мужассам этган ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилган. Бу борада, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ташқи хуружлар манбаларини аниқлаш, баҳолаш ва башорат қилиш, давлат ҳокимияти органлари ва ахборот-матбуот хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, мамлакат миллий манфаатларининг ахборот соҳасидаги миллий манфаатларини кафолатли таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида жамиятнинг ғоявий бирлашуви заруратини бугунги кундаги глобал ўзгаришлар шароити билан белгилаш мумкин. Жаҳон геосиёсий майдонидаги ўзгаришлар, маданиятлараро муносабатларнинг чуқурлашуви, цивилизациялар тўқнашувининг тезлашиб, ахборотлашув жараёнининг кенгайиб бориши асо-

сида содир бўлаётган ғоявий-мафкуравий таҳдидлар, беқарорликни келтириб чиқарувчи ахборот-психологик хуружларга қарши курашиш давр талабига айланмоқда. Бундай таҳдидларга қарши ягона чора жамиятнинг ғоявий бирлашуви, ҳамжиҳатлиги, ижтимоий бирдамлик ҳисси билан боғлиқ.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида, Учинчи Ренессанс остонасида жамиятни бирлаштирувчи, ҳамжиҳатликни оширувчи, миллий бирдамликни таъминловчи янги ғоявий концепцияга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Концепциянинг асосий мақсади этиб, жамиятда барқарор ривожланишни, авлодлараро ворисийликни таъминлаш, ёшларни миллий-маънавий қадриятлар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қатор тизимли тадбирлар миллий ва жаҳондаги илғор тажрибалар, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда амалга оширишдан иборат этиб белгиланиши лозим.

Қолаверса, Узлуксиз маънавий тарбия концепция ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Аммо, унинг амалиётга татбиқи бўйича ишлар тизимлаштирилмаган ва аниқ механизми, амалга ошириш учун ёрдам берадиган қўлланма ва зарур воситалари яратилмаган. Бунинг учун эса, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар куйидагилардан иборат:

узлуксиз маънавий тарбия концепцияси асосида замонавий мутахассис кадрларда таянч маънавий-ахлоқий компетенцияларни ривожлантиришнинг маънавий-маърифий асосларини тизимли таҳлил қилиб, унинг амалиётга татбиқ этилиши бўйича методологик тамойилларни ишлаб чиқиш;

замонавий мутахассис кадрларда маънавий-ахлоқий компетенцияларни шакллантиришнинг мавжуд тизимини таҳлил қилиш, компетенцияларни аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш, натижага асосланган методларни туркумлаштириб, маънавий-ахлоқий компетенцияларни қарор топтиришда мавжуд таълим-тарбия тизими ва янги амалий механизмнинг аҳамиятини кўрсатиш;

глобаллашувнинг ёшлар дунёқарашига таъсирининг миллий ва умминсоний жиҳатларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва аниқлаш ҳамда маънавий-ахлоқий онгининг ҳаётий эҳтиёжга айланиш тамойилларини амалиётга татбиқ этиш;

янги давр шароити хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёшлар маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш орқали уларни маънавиятга қаратилган таҳдидлардан ҳимоя қилиш масалаларини очиб бериш.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси халқаро актларни, хусусан, БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга доир Конвенция ва Декларациялари-

ни ратификация қилди ва ўз вақтида бажармоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси гендер тенглик ҳуқуқини кафолатлайди, ушбу ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари билан таъминланади. Юртимизда хотин-қизларнинг мавқеини янада юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш учун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда уларнинг билимларини кучайтириш учун янада кенгрок шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда асосан ёшлар томонидан содир этилаётган салбий ҳолатларнинг оқибати билан ишлаб қолинаётганлиги, ёшлар билан ишлаш, уларни ҳаётга тайёрлаш бўйича тизимли ишлар етарли даражада ташкил қилинмаганлиги ечимини кутаётган долзарб муаммолардан биридир.

Мафкуравий, ғоявий ва инфор- мацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовуларга қарши изчил манзилли кураш олиб бориш вазифаси тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу сабабли, маънавий-мафкуравий иммунитетнинг тўрт “ахборотни саралаш”, “ҳимоя”, “қарши кураш”, “бошқариш” каби асосий психологик функцияларини шакллантиришга оид инновацион тарғибот услублари ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш кўзда тутилади.

Қолаверса, маънавий-мафкуравий иммунитетнинг таркибий қисми сифатида психологик ҳимоя механизми, субъектив назорат локус хусусиятлари ва таянч этиқодлар маънавий-мафкуравий иммунитетни ривожлантиришда инобатга олинishi лозим бўлган асосий психологик омиллар сифатида эмпирик асосланади.

Аҳоли, айниқса, ёшлар ўрта-сида вайронкор ғоя ва бузғунчи мафкураларга нисбатан барқарор маънавий-мафкуравий иммунитет шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-психологик тренинглари ўтказиш орқали, аҳолининг турли қатлам вакиллари, айниқса ёшлардаги маънавий-мафкуравий иммунитет беқарорлик даражаларини баҳолашнинг услубий таъминоти ишлаб чиқилади.

Президент Шавкат Мирзиёев то-

монидан алоҳида эътибор берилиб, жумладан, “Бугунги кунда мамлакатимизда Интернет адабиётини ривожлантириш ҳам муҳимдир. Шу мақсадда интернетда “Ўзбек маданияти” порталини яратиш, унинг таркибида адабиёт, кино, тарих, санъат, фольклор портали каби платформаларни ташкил этиш ва доимий фаолият юритишини таъминлаш зарур”, деб таъкидлади ҳамда бунинг учун Рақамли технологиялар вазирлиги, Фанлар академияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Маънавият ва маърифат маркази масъуллигини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги маълумотларига кўра, сўнги йилларда Интернет фойдаланувчилари сони 20 миллиондан ортиб кетган. Шунга кўра, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисига, айниқса, ёшларга буюк аждодларимизнинг бебаҳо маънавий-маърифий меросини замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда, чуқурроқ ўргатиш ва бу борадаги тарғиботнинг таъсирчан усул ва воситалардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали ёшларни ватанни севишга ўргатишда ҳамда мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда бир қанча вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу вазифаларни амалга оширишда қуйидагиларга эътибор бериш керак

Хулоса қилиб айтганда, ишлаб чиқиши лозим бўлган мазкур Концепция ёшлар билан боғлиқ соҳаларини модернизация қилиш, ёшларда умуммиллий бирлик тафаккурини ривожлантириш билан боғлиқ механизмларни яратиш, бу жараёнда инновацион ривожланиш йўлига ўтиши, умуммиллий бирлик тафаккурини ривожлантиришнинг мақсад ва аҳамиятини англашга хизмат қилувчи креатив фикрлай оладиган кадрларни тайёрлаш учун услубий асос бўлиб хизмат қилади.

**Илҳом СУВАНОВ,**  
Республика Маънавият ва маърифат маркази хузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти котиби, фалсафа фанлари доктори (DSc)



Ушбу мақола Олий Мажлис хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг “Ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишга, ташаббуслари ва замонавий ғояларини илгари суришга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш” гранти асосида тайёрланди.

## ЖАДИДЛАР

## ИБРАТИ

## ёхуд камолот йўли



**Бугун мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан асл миллатпарвар, ватанпарвар ва халқпарвар бўлган, аммо кўп йиллар мобайнида номи тилга олинмаган жадидлар ҳаётини ўрганиш, тадқиқ этиш ва оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг замирида ўсиб келаётган ёш авлод қалбида Ватанга бўлган муҳаббатни янада юксалтиришдек улугвор мақсад мужассам.**

Миллатни илм ва янгиликка интилиш ўзгартиради. Ўз қилишида қотиб қолган, дунёни бир қўлмақдан иборат ҳовуз, деб биладиган, янгиликка интилмайдиган халқнинг келажаги нурсиздир. Шу маънода агар жадид бобокалонларимиз ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, улар ўз даврининг анъана ва қолипларини тан олмадилар, бидъат ва хурофотга йўғрилган, жаҳолатга таянган одатлардан ҳазар қилдилар. Бу эса айримларга ёқмаган. Масалан, Бехбудий бобомизнинг бундан юз йил илгари айтган гаплари ҳали-ҳануз доларб. У ҳашамга, дабдабага ўч, тогганини тўйларга, маишатга сарфлайдиган одамларни ёқтирмаган, бунинг ўрнига фарзандларни ўқитиш, тил ўргатиш биз учун ниҳоятда муҳим, деб тақрор-тақрор бонг урган бўлса-да, бу даъватларга аксарият одамлар кулоқ солмаган.

Таассуф шундаки, орадан шунча йил ўтса ҳам бобомизнинг билдирган фикрлари бугунги кунимизда ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Ҳозир ҳам айрим юртдошларимиз яшаш ва умр маъносини маросимларда деб билади. Тўй қилса, ҳаммага кўз-кўз қилгиси келади, азада минглаб одамларни чақириб ош беради. Ваҳолаки, бундайларни суриштирсангиз, сохта обрў учун ҳеч нарсдан қайтмайдиган одамлар бўлиб чиқади. Фарзандига битта китоб олиб бериш, уни тарбиялаш, тўғри йўлга солиш, дўсти, ошнаси ким, у кимлар билан юрибди, назорат қилиш эса ҳаёлига ҳам келмайди. Бундай муҳитда ўсган фарзанддан нима кутиш мумкин? Ана шу нуқтаи назардан олиб қараганда, жадидлар ҳаётини ибрат олиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Масалан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг публицистик асарларида Ватан ва миллат тақдири билан боғлиқ муҳим масалаларга муносабат билдирган. Миллатнинг забун аҳволдан куйинган адиб “Ийди курбон” мақоласида мана бундай ёзади: “...Биз келайлик яна фақир-

лар ва етимларимиз ҳолина. У йилдан бу йилга ба ҳазор машаққат, танини латта поралар, қорнини парча-пурча нонлар ила қаноатлантириб келган фақир ва етим, бекас ва бехонумон, аксари ота-онадан, баъзилари бир парчагина ватандан маҳрумликда мусича каби бўйин қисилган, ҳавонинг бироз совуқлик шиддатларидан устлари юпун, ранглари сарғайган, юқоридаги асосиз давлатга моликларнинг ясан-тусандаги шов-шувлари куйган юрак-бағри устига намақоб бўлиб, диллари маъюс ва вайрон, жигарлари эзилган...

Эй, қардошлар! Худо йўлига, деб курбон қилувчи улуг зотлар! Кўзингизни очинг! Эшикларингиз остида интизор бўлиб ўтирган фақир ва етимлар ҳолина боқинг! Ўйланг, фикр қилинг!...”

Ҳамза Ҳакимзода қаламига мансуб мақолаларнинг сарлавҳаларидек уларда ўша даврнинг нечоғлиқ долзарб муаммолари ёритилганидан дарак беради. “Фақирлик нимадан ҳосил ўлур”, “Муаллиф афандиларимизга улуг ражомиз”, “Қалбга билимни(нг) йўлини очайлик”, “Миллат маърифат билан тирик”... Бу мақолаларда адиб Ватан ва миллат таназзулининг бош сабаби жаҳолат ва билимсизлик экани, Туркистонда, шундоқ ёнма-ён яшаётган ўзга миллатларнинг илм ва маърифат туфайли кундан-кунга бойиб, тараккий этиб бораётгани ҳақида ёзар экан, ҳар бир сатрдан изтироб ва дард силқиб туради.

Тўғри, шўроларнинг катағон қилиши миллатнинг не-не закий фарзандлари жонига хатар солган мураккаб ва зиддиятли даврларда Ҳамза ижодида муросага мойиллик, комфирқа мафқураси таъсирига ён бериш тенденцияси сезилиб туради. Бироқ у жисман ва руҳан миллатпарвар жадидлар сафида тургани, она Ватанини дунёнинг ривожланган давлатлари, жондан азиз миллатини жаҳоннинг мутараккий халқлари қаторида кўриш орзусида яшагани ҳам ҳақ рост.

Улуғ шоир, адиб, драматург ва публицистнинг серкира ижодий ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолияти истиқболда янада чуқурроқ ўрганилиши давр талабидир.

Миллатнинг миллатлигини белгилувчи бош мезон унинг тили ва адабиёти экани аён. Зеро, тил миллатнинг мавжудлик шarti бўлса, бадий адабиётда унинг бошқа ҳеч бир халққа ўхшамайдиган фитрати, сийрати ва руҳияти акс этади. Неча мингйиллар давомида шаклланган яшаш тарзи, ҳаётининг мазмунига айланган фазилатлари тажассум топади. Тарих шохид: тилидан, адабиётдан айрилган миллат ўзлигидан ҳам маҳрум бўлади. Таназзулга юз тутайди, миллат сифатидаги қиёфасини бой беради. Замоннинг бугунги шитоби, дунёни тобора кенг камров билан тасарруфига олаётган глобаллашув шиддати, кадриятларни бамисоли оч аждаҳдек ўз қомига тортаётган оммавий маданият таҳдиди шароитида ўзлигини асраб қола билиш камдан-кам миллатга насиб этаётгани сабаби ҳам шунда. Бунинг учун миллатнинг томири адабиёт аталган асл сарчашмадан сув ичиши, маънавияти адабиёт деб номланган ўқилдизидан узилмаган бўлиши зарур. Эътироф этиш керак: муайян миллатнинг даражаси унинг адабий-эстетик тафаккури микёсидан баландга кўтарила олмайди.

Ўзбекнинг энг катта бахти – буюк мутафаккир шоиру адиблари адабининг кўплигидир. Халқимизнинг толеи баланд экани – беназир ижодкорларни ҳеч бир халқдан қарз олишга эҳтиёжи йўқлигидир. Исҳоқхон тўра Ибрат ўзбек жадид адабиётининг ана шундай беназир сиймоларидан.

Биз мамлакатимиз тарихининг янги даврига қадам қўйдик. Адабиётга, маънавиятга бўлган эътибор бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам юксак даражага кўтарилаётганига гувоҳимиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва таклифи билан Наманган шаҳрида водийда ягона бўлган “Ибрат” мажмуаси бунёд этилгани бунинг ёрқин бир мисолидир. Мажмуа хиёбон, музей, хорижий тилларни ўрганиш мактаби каби маърифий муассасаларни ўз ичига олгани кўп тилларни билган, жаҳоннинг аксар халқлари ёзувидан хабардор бўлган адиб руҳига, айниқса, ҳар жихатдан мувофиқдир.

Савол туғилади: давлатимиз раҳбари нима учун улуг мутафаккир меросига бу қадар катта эътибор қаратмоқда? Биз Исҳоқхон Ибрат меросининг қайси жиҳатларини чуқур ўрганишимиз, ўсиб келаётган ёш авлод қалбу шуурига қай бир фикрларини теран сингдиришимиз керак? Бу беназир ижодкор сийратидаги, асарларидаги қайси фазилатлар бугунги замонамиз учун ҳам қадрли ва азиз?

Дарҳақиқат, Исҳоқхон тўра миллатга манфаати етиши мумкин бўлган барча илмларни пухта эгаллади, ушбу соҳалар билан мунтазам шуғулланди. Маърифатни тарғиб этувчи шеърлар ижод қилди, замонасининг ўткир муаммоларига доир публицистик мақолалари билан матбуотда фаол қатнашди. Тарихий (“Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият”) ва илмий (“Жомеъ ул-хутут”, “Луғати ситтати алсинна”) асарлар ёзди. “Усули савтия” мактаблари ташкил этиб, ўқитиш соҳасида катта самараларга эришди. Литографик машинани Оренбургдан Кўқонгача поездда, Кўқондан Тўрақўрғонгача туяда олиб келиб, “Матбааи Исҳоқия”ни ташкил этди. Матбаа эмблемасида нур таратаётган қуёш тасвири ўртасига “илм” сўзи нақшлангани илму ирфон тарқатиш буюк маърифатпарвар фаолиятининг бош мезони бўлганидан далолат беради.

Жадидлар ҳаётини ўрганиш, улардан ибрат олиш бизни фақат ва фақат юксалтиради. Бинобарин, айни пайтда миллатпарвар боболаримиз асарларини ўрганиш, уларнинг архивлардаги қўлёзмаларини тадқиқ этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бундай архив ҳужжатлари билан танишар экансиз, дилда ғурур ва ифтихор пайдо бўлади. Негаки, аждодларимиз ўзларини эмас, миллат эртасини, юрт келажагини ўйлаб, ҳеч қандай машаққатдан қайтишмаган. Тинч ва осуда замонда яшаётган, ўқиш, ўрганиш, юртга хизмат қилиш учун барча шарт-шароит яратилган мамлакатимизнинг бугунги ёшлари ҳам худди жадидлардек зукко, теран фикрли, етти ўлчаб, бир кесадиган бўлиб камолга етсинлар. Давлатимиз раҳбари бугун илгари сураётган ғоянинг ҳам туб мақсади шу, аслида.

**Ғани ЖўРАЕВ,**  
Тошкент шаҳар Марказий  
давлат архивининг етакчи  
архивчиси

## КЕЧИККАН НАДОМАТ

2024 йил 19 январь куни соат 4.00 ларда Миробод туман ИИБ ФМБ ППХ ва ЖТСБ ходимлари томонидан Муратов Х. Афросиёб кўчаси, 12-уй яқинида ҳаракатланиб кетаётганида ППХ ходимлари томонидан тўхтатилган. Унинг ёни икки нафар холислар иштирокида кўздан кечирилганида, ички кийимидан “Парламент” номли сигарет қутиси ва унинг ичига солинган ўтсимон модда аниқланган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМнинг 2024 йил 21 январдаги 189-сонли ҳулосасига кўра, Х.Муратовдан олинган модда таркибида 0,38 грамм “Альфа-пирролидиновалерофенон” (α-PVP) моддаси борлиги аниқланган. Ундан олинган яшил рангли моддалар таркибида фаол гиёҳванд модда “марихуана” моддаси борлиги аниқланиб, унинг оғирлиги 1,02 граммни ташкил этиши кўрсатилган.

Судланувчи Х.Муратов суд мажлисида айбига қисман иқрор бўлиб, қуйидагиларни, яъни 2024 йил 18 январдан 19 январга ўтар кечаси соат тахминан 2.00 ларда Миробод тумани, Афросиёб кўчасида жойлашган уйларнинг олдида қора рангли пакетга ўралган нарсани турганини кўрган. Нима эканлигига қизиқиб очиб кўрганида, ичида “Парламент” ёзуви туширилган сигарет қутиси ичидан шаффоф рангли пакетга солинган яшил рангли ўткир хидли кукунсимон модда эканлигини билган. Тахминан бир йил олдин гиёҳванд моддаларни истеъмол қилганлиги сабабли топиб олган нарсаси гиёҳванд модда эканлигини билган ва ўзи истеъмол қилиши учун ички кийими ичига яшириб қўйган. Кейин шу гиёҳванд моддани истеъмол қилиш учун ўз бошқарувида бўлган “Жентра” русумли автомашинасига ўтириб қоронғироқ жойга, домлар орасига ўтган. Шу ерда топиб олган гиёҳванд моддани истеъмол қилган ва яна ички кийимининг орасига солиб, яшириб қўйган. Сўнг егулик сотиб олгани метронинг “Ойбек” бекати ёнига борганлигини, кўча бўйлаб кетаётганида уни ИИБ ходимлари тўхтатганларини ва ундан ёнида ноқонуний нарса бор ёки йўқлигини сўраганларида, уларга ҳеч қандай ноқонуний нарса йўқлигини айтган. ИИБ ходимлари унинг ёнини текширишларини айтиб, икки нафар шахсни холис сифатида олиб келганларини ва уларнинг иштирокида ёни текширилган. Тинтув давомида шими ичидаги ички кийимидан яшириб қўйган гиёҳванд моддаларини аниқлаганларини, сўнг ИИБ ходимлари тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини ва ИИБ биносига олиб борганларида ҳолат юзасидан тушунтириш хати ёзиб берган.

Суд ҳайъати, судланувчи Х.Муратовга жазо тури ва муддати тайинлашда унинг шахсини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, тўрт нафар фарзанди борлигини инобатга олди.

Суднинг ҳукми билан Муратов Х. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, унга шу модда билан 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

**Сардорбек СОДИҚОВ,**  
Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг раиси.

## ҲАРОМ ПУЛ ЮҚМАЙДИ

Судланувчи Ш.Рустамов, фирибгарлик, яъни ўзганинг жуда кўп миқдордаги мол-мулкани алдаш ва ишончни сунистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритмоқчи бўлган. Шу мақсадда А.Мамазоитов билан Янгиҳаёт туманида жойлашган “SIMMA” меҳмонхонаси олдида учрашишган. Унга “бир ой ичида арзон нархда афғон қозони олиб келиб беришини”, айтиб алдаган. Ундан 60.000 АҚШ долларини олган.

Орадан икки ой ўтгач, А.Мамазоитовга “қозон Афғонистон Республикасидан юк автомашинасига ортилганлигини, бир ҳафта ичида етиб келишини, қозонни олиб келтириш учун харажатларига керак бўлади”, деб яна 17.000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган. Ҳам пулига “қуйган”, ҳам қозонсиз қолган А.Мамазоитов унинг устидан ички ишлар органларига ариза билан мурожаат қилган. Аниқланишича, Ш.Рустамов фуқаро А.Мамазоитовга 881.288.100 сўм моддий зарар етказган.

Яқинда Шерзод Рустамовга оид жиноят иши судда кўриб чиқилди. Судланувчи Ўзбекистон



Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилди. У 8 (саккиз) йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Ишламай, осонгина пул топиш йўлини танлаганлар эртами-кечми қонун олдида жавоб беришади. Бировнинг ҳақи ҳеч қачон юқмайди. Халқимиз барака ҳалолликда, дейди. Ноқонуний, ўзга шахсларнинг маблағи ҳисобига кун кечирмоқчи бўлганлар узоққа бормайди, бу ҳаром пул уларга юқмайди.

**Иқром РАЖАБОВ,**  
Жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман судининг судьяси.  
**Ҳамиджон ШАМШИЕВ,**  
Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси.

## “Ўқишга киритиб қўяман...”

М.Хидиров ғаразли ниятда ноқонуний бойлик орттириш мақсадида, Самарқанд Давлат чет тиллари университети талабаси Хурсанов А. нинг инглиз тили бўйича “IELTS” сертификатга зарурияти туғилганлигини билган ҳолда уни алдаган. “IELTS” сертификат учун бирон-бир инглиз тилини ўргатувчи курсларга ўқимасдан, белгиланган тартибда “IELTS” сертификат олиш учун ариза ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан, фақатгина имтиҳонга кириб чиққанда уни гўёки имтиҳондан ўтгандек кўрсатган.

2023 йилнинг сентябрь ойида “IELTS” сертификатни расмийлаштириб беришини, бунинг эвазига 1.800 АҚШ доллари беришини айтган. Фирибгарлик йўли билан А.Хурсановни ишонтириб, ишончига кириб, ишонувчанлигини англаган ҳолда, 2023 йил 24 июль куни 1.800 АҚШ доллари ва унинг фуқаролик паспортини олган. Ўзининг жиноий ҳаракатларини телефон аппарати орқали видеотасвирга олиш билан уни янада ишонтириш орқали 1.800 АҚШ долларга бўлган ҳуқуқини қўлга киритиб, ўзаро келишувда ваъда қилингандек 2023 йилнинг сентябрь ойида А.Хурсановга “IELTS” сертификатини расмийлаштириб бермасдан ёки олган 1.800 АҚШ долларини қайтармасдан ўзининг шахсий манфаатлари йўлида сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд давлат чет тиллар институти 4-босқич талабаси Ибрагимова У. вилояти ИИБ ЙХХБ биносига ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун 2024 йилнинг февраль ойида имтиҳон топширишга борганида унга имтиҳондан ўтиш учун саволлар ва жавоблари борлигини айтган. Бунинг эвазига 900.000 сўм пул берса имтиҳон савол ва жавобларини беришини билдирган. У.Ибрагимова имтиҳонга кирганда М.Хидиров 900.000 сўм эвазига берган саволлар ва жавоблар бошқа эканлигини билиб қолган. Шундан сўнг У.Ибрагимова ундан 900.000 сўмни қайтариб беришини талаб қилиб, пулларини қайтариб олган.

М.Хидиров ғаразли паст ниятларда ноқонуний бойлик орттириш мақсадида, ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 6.000 АҚШ доллари эвазига Ж.Райимовни Қозоғистон Республикасининг “М.Авезов” номли университетининг 1-босқичини тамомлаганлигини

тасдиқловчи ҳужжатни расмийлаштирган ҳолда ўзининг юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали уни Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультетининг 2-босқичидан ўқишга киритиб қўйишни айтган. Шу йўл билан Ж.Райимовнинг ишончига кириб, уни пора беришга қизиқтирган ҳолда, 2024 йил 12 март куни Ж.Райимовдан фирибгарлик йўли билан Миробод тумани, Т.Шевченко кўчасида жойлашган Аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази олдидаги автотураргоҳда 75.000.000 сўмни олган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлар томонидан ашёвий далиллар билан ушланган.

Судланувчи М.Хидиров суд мажлисида айбига иқрорлигини билдирди.

Суд, судланувчи М.Хидировга жазо тайинлашда унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин қўнгилдан пушаймондаллигини, етказилган моддий зарар қопланганлигини жабрланувчи А.Хурсанов ва У.Ибрагимова унга нисбатан даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни ғараз мақсадларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолади.

Суднинг ҳукми билан Хидиров М.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида унга тайинланган ҳар хил турдаги жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

**Сурайёхон ХОЖАМКУЛОВА,**  
Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг судьяси

# «Тилаганинг энг аввало элга бўлсин...»

*Кимдир хушнуд давлатининг донги билан,  
Кимдир сархуш ибодатнинг тонги билан.  
Одам азиз бу дунёда онги билан,  
Хуш ният қил дилда бўлсин, тилда бўлсин  
Тилаганинг энг аввало элга бўлсин...*



**Шухрат Жўраев бу мисраларни хуш кўради. Шеърни қайта-қайта ёд ўқийди, ҳар сатри, сўзлари олам-олам маъною мазмунга бой эканини англайди, ҳис этади, шоирнинг дил изҳорларига қўшилади. Бошқаларни ҳам шундай гўзал жумлалардан баҳра олишга, улардаги ҳаётийлик кўринишларига амал қилишга ундайди.**

Бу инсон билан дастлаб танишган, суҳбатдош бўлганлар уни яхшигина ижодкор, ҳеч бўлмаганда адабиётга яқинроқ киши деб ўйлашади. Аслида эса Шухрат Жўраевнинг мутахассислиги физик, илмий изланишлари туфайли физика фанлари номзоди номига сазавор бўлган, муносиб хизматлари эвазига “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланган.

Халқимизда “Олманинг тагига олма тушади”, деган нақл бор. Бу ибора асосан ота изидан бораётганлар учун қўлланилганда, у ўзининг асслигини, халқчиллигини намоён этади. Бухоронинг Шофирконида туғилган, илм истаб кўхна Самарқандга келган ва бутун умрини шу улуғ шаҳарда ўтказган отаси Нурилло Жўраев ҳам физик-математик эди. Физик бўлгандаям ўз соҳасининг фидойиси, ҳамкасбларига ўрнак бўладиган даражадаги билимдон инсон, ёшлар учун бағрикенг устоз эди. Унинг Самарқанд қишлоқ хўжалик институти физика кафедраси мудири бўлиб ишлаган йилларидаги илмий изланишлари қанчалаб ёшларни илм-фан дунёсига бошлаганди.

Шухрат Жўраев ҳам ота изидан борди. Самарқанд давлат университетида ўқиди. Танлаган соҳасини пухта ўрганишга ҳаракат қилди. Талабалик даври билан ҳарбий кафедра машғулотларини қўшиб олиб борди. Олий таълимдан сўнг бошқа тенгдошлари қатори меҳнат кучоғига сингиб кетди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Физика-техника институтида шогирд-тадқиқотчи, аспирант бўлди. Физика-математика фанлари номзоди илмий-унвонига сазавор бўлди. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти кичик илмий ходими, ўқув жараёнлари таҳлили ва режалаштириш лабораторияси мудири, ректор ёрдамчиси, тест синовларини ўтказиш маркази бошлиғи муовини лавозимларида ишлади. Самарқанд вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бош мутахассиси, Самарқанд sanoat касб-хунар коллежида ишлаб чиқариш устаси вазифаларида фаолият кўрсатди.

Шухрат Жўраев 2003 йилдан тадбиркорликни танлади. У тўккиз йил мобайнида Самарқанд шаҳридаги “Fidan servis” фирмасини бошқарди. Бу даврда мамлакатда тадбиркорга юксак ишонч билдирила бошланган, улар химоясига ҳам эътибор оша бошлаганди. Шухрат бу вазиятдан фойдаланиб қолишни эмас, балки, тадбиркорлик қилиш билан халққа, Ватанга фойдасининг тегишини ўйлаганди.

Илк бор тадбиркорликка қўл урган пайтларини, унинг сабабларини Шухрат Жўраев шундай эслайди: “Тадбиркорлик аниқликни талаб қилади. Ундаги ҳар бир иш пухта режа асосида амалга оширилиши керак. Физикада ҳам шундай. Унда ҳеч нарсани йўқдан бор қилиб бўлмайди. Лекин жисмларни бир кўринишдан бошқа кўринишга ўтказиш мумкин. Фандаги аниқликка асосланган қонунлар доимий равишда ҳаётнинг ривожланишига йўл очиб келаяпти. Шуларни ўйлар эканман, яхши физикдан яхши тадбиркор чиқади, деган фикрга келдим, мамлакатга эса шундай инсонларнинг ниҳоятда зарур эканлигини ҳис этдим. Ўзимни шу каби зарурлар сафида кўришни истадим. У пайтларда дадажоним ҳаёт эди. Истагимни айтиб, йўл-йўриқ сўрадим. Отам фикрларимни маъқуллаб, оқ фотиҳа берди. Мана йигирма йилдирки, тадбиркорлар сафидаман”.

Физика фанининг билимдон мутахассиси, Самарқанднинг етук олимлари сафидан ўрин эгаллаган Шухрат Жўраев бугуннинг тадбирли тадбиркорларидан бири. “Fidan servis” фирмасидаги фаолиятдан сўнг у мактабгача таълим соҳаси ривожига ҳисса қўшишга аҳд қилди. Шу ниятда нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этди.

Кўхна кентнинг қоқ ўртасида ўзига хос меъморилик намунасига эга, юксак дид ва ҳавас билан қад ростлаган мухташам, замонавий бино бор. “Самарқанд кўзмунчоғи” деб ном берилган нодавлат мактабгача таълим ташкилоти жойлашган бу қошона ҳақида самарқандликлар ҳамиша фахр-иф-

тихор билан гапирадилар, муассаса доврўғини элга таратадилар. Шуниси эътиборлики, бу тарбия масканининг ижодкори меъморию қурувчиси ҳам, тарбиячисю мураббийи ҳам бир инсон. Замонамиз қаҳрамони, давримизнинг зукко, шижоатли, тиниб-тинчимас ўғлони Шухрат Жўраев ўзининг бутун маҳорати, қалб кўри, билим ва тажрибасини мазкур муассасага бағишлаб, ўзи асос солган аҳил жамоа билан чинакам фидойилик кўрсатмоқда, эл-юрт олқишини қозонмоқда.

“Минг марта эшитгандан кўра, бир бора кўрган афзал”, деган мақолга амал қилиб, табаррук гўшага қадам ранжида этдик. Очик кўнгилда кутиб олган раҳбар билан суҳбат қизғин тус олди.

— Таълим масканимиз ўз фаолиятини бундан беш йил муқаддам қирқ нафар тарбияланувчи билан бошлаганди, — дейди Шухрат Нуруллаевич. — Ҳозир уларнинг сони 200 нафарга яқин. Шаҳарнинг энг кўркам, эртақлар оламини эслатувчи ғаройиб боғчаси ҳисобланган марказимизда болажонларнинг ҳар томонлама камолга етиши, маънан, жисмонан ривожланиши, ўқиш, ёзишга кўникма ҳосил қилиши, дунёни англаши, билимли бўлиб етишиши биринчи галдаги вазифамиздир. Бу ерда тарбияланаётган 3-7 ёшдаги жажжи ўғил-қизлар рус, инглиз тиллари, компьютер, тасвирий санъат, музика, хореография йўналишлари бўйича машғулотларда кўпроқ қатнашиши, спорт-соғломлаштириш тадбирларига кенг жалб этилгани, айниқса ота-оналарга жуда манзур тушаяпти. Муҳими, машғулотлар Мактабгача ва маактаб таълими вазирлиги тасдиқлаган давлат дастури ва йўриқномаларга мувофиқ ташкил этилган бўлиб, бу ишга энг маҳоратли ва тажрибали педагог-мураббийлар жалб қилинган.

Таълим муассасидаги дил билан безатилган спорт, ўйин заллари, сузиш бассейни, синфхоналар, ошхона, сайргоҳлар, бир-бирдан чиройли ўйинчоқлар, сифатли жиҳозларнинг ўзига таъриф бериб, охирига етиш қийин. МТТни бунёд этиш, унинг ҳозирги замон талабларига жавоб бериши учун кўп саъй-ҳаракат қилингани диққатга сазавор, албатта. Қолаверса, муассаса чиройи, мухташамлиги билан эмас, мазмунан барчага манзур тушишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Келажакда болаларнинг баркамол униб-ўсиши учун янада кўпроқ тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилганки, бу ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз. Хуллас, номи бугун тилларга тушган ажойиб муассасанинг эртаси порлоқ, ёрқин бўлиши учун астойдил қайғурилмоқда.

Абдурасул САТТОРОВ

## Муассислар:

Ўзбекистон  
Республикаси  
Экология, атроф-  
муҳитни муҳофаза  
қилиш ва иқлим  
ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва  
ишбилармонлар  
ҳаракати –  
Ўзбекистон  
Либерал-  
демократик  
партияси.

Ўзбекистон  
Нодавлат нотижорат  
ташкilotлари  
миллий  
ассоциацияси.

Ўзбекистон  
Савдо-саноат  
палатаси.

Бош муҳаррир  
Максуд ЖОНИХОНОВ

“Шарк” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-910  
Адади: 1015.

Пайшанба кун чикади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табок.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон  
матбуот ва ахборот  
агентлигида  
2006 йил 0010-рақам билан  
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик  
жиҳатдан сифатли чоп  
этилишига “Шарк” нашриёт-  
матбаа акциядорлик  
компанияси масъул.

Маълумот учун  
телефонлар:  
99-791-43-23  
99-994-70-52  
98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси – 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти: 20:00  
1 2 3 4 5 6

# ЗАМОНАВИЙЛИК КАСБ ЭТАЁТГАН МАКТАБ

Кушчи маҳалласи Бекобод туманининг энг чекка худудларидан бирида жойлашган маскан. Шундай бўлсада, ушбу маскандан илғор зиёлилар, илм-фаннинг таниқли намоёндалари, маърифатпарвар инсонлар етишиб чиққанлиги бор гап. Биргина мисол. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Тошкент травматология институти асосчиларидан бири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мирзабек Дўстмуродов айнан шу маҳаллада туғилиб вояга етган.

Маҳалладаги 26-умумтаълим мактабининг собиқ ўқувчиси бўлган. Мактаб жамоаси шу мактабни битириб илм ва фан даргаларига айланган ҳамқишлоқлари билан ҳақли равишда фахрланишади.

Президентимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда таълим таракқиёти ва сифатини яхшилаш бўйича бир қатор ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги мактаб ўқитувчилари олдида муҳим вазифаларни кўйиб, уларнинг маъсулиятини янада кенгайтирмоқда, энг аввало ҳар бир устознинг ўз устида тинимсиз ишлаши, эртаимиз эгалари бўлган болажонлар қалбига бунданда чуқурроқ йўл топа билиши ҳозирги куннинг долзарб вазифасига айланди. Буни юракдан чуқур ҳис этган мактаб жамоаси белни маҳкам боғлаб, энг шимарганча янгича ишлашга жазм этган. Буни биз мактаб ўқувчиларининг фан олимпиадаларида кўлга киритаётган ютуқларидан ҳам билишимиз мумкин.

Жумладан Ал-Хоразмий номидаги халқаро фан олимпиадасида 8-синф ўқувчиси Фарангиз Омонова вилоят босқичида муваффақиятли қатнашган бўлса, кимё фани бўйича, 9-синф ўқувчиси Ойнурабону Абдураимова тарих фани бўйича 10-синф ўқувчилари Севинч Эгамбердиева ва Гулсевар Анорбоевалар, физика фани бўйича 10-синф ўқувчиларидан Захро Рустамова, Гулшан Абдужалиловаларнинг ви-



лоят босқичида ўз билим даражасини намоён этиб қайтганлиги устозларини мамнун этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда мактабда 58 нафар педагог ходимлар меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг аксарияти имкон қадар ўқувчиларга сифатли ва мазмунли таълим беришга ҳаракат қилишаётир. Мактабда 2 нафар олий тоифали, 3 нафар 1-тоифали ўқитувчилар билан биргаликда илмий-ижодий фаолият билан шуғулланаётган устозларнинг борлиги бизни қувонтирди. Чунончи олий тоифали тарих ўқитувчиси Адҳам Ҳайдаров вазир жамғармаси устасини олиш учун ўтказилган танловда иштирок этиб ғолиб бўлди. Олий тоифали физика фани ўқитувчиси Абдураззоқ Эрназаров фалсафа фанлари доктори, физика фани бўйича доцент сифатида дарс бериб келмоқда, мактабда лаборатория тажриба майдонини ташкил этган.



Абдухалил Тўрабоев эса кимё фани бўйича лаборатория йўналишида ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда.

Мактаб билан олий таълим муассасалари ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Ҳозирда мактаб жамоаси Чирчиқ давлат педагогика институти ҳамда Гулистон давлат университети билан яхшигина ҳамкорлик ўрнатган. Ҳамкорлик натижасида Чирчиқ педагогика институти физика ва кимё факультети физика ва агрономия йўналиши бўйича мактаб-лаборатория тажриба майдонларини ташкил қилиш бўйича ҳамкорлик шартномасига эришган. Шунингдек, физика ва математика ўқитувчиси Зариф Холиқов Гулистон давлат университетида ядро физикаси бўйича магистрант сифатида илмий иш олиб бормоқда. Она тили ва адабиёт ўқитувчиси Шохиста Шодмонова эса фольклор йўналиши бўйича Гулистон давлат университетида илмий иш олиб бораётганлиги таҳсинга сазовор.

Устозларнинг ана шундай самарали меҳнатлари туфайли ушбу ўқув йилида 36 нафар битирувчиларнинг 30 нафари олий таълим муассасаларига кириб ўқишмоқда. Уларнинг 4 нафари эса давлат гранти асосида талабалikka қабул қилинган.

Мактаб жамоасининг спорт мусобақаларида эришаётган ютуқлари ҳам салмоқли. Тарих ўқитувчиси Адҳам Ҳайдаров вазирлик тизимидаги таълим муассасалари ўртасида “Соғлом танда сифатли таълим” шиори остида ўтказилган спорт мусобақасида фаол иштирок этиб, шахмат бўйича 1-ўринни эгаллади. Шунингдек, мактаб ўқувчилари волейбол бўйича туман босқичида ҳар йили юқори ўринларни эгаллаб келишаётир.

Яқинда мазкур мактабнинг 320 ўринга мўлжалланган янги биноси очилишининг тантаналари бўлиб ўтди. Тантаналарда туман ҳокимлиги, мактабгача ва мактаб таълими бўлими мутасаддилари, маҳалла фаоллари, ижодкорлар иштирок этишди. Маҳалла фаоли, фахрий шифокор Мирзабурхон Дўстмуродов алвон лентани қирқар экан, мактаб жамоасини янги, замонавий бино билан табриклади, дуои фотиҳа қилди. Ҳақиқатан ҳам мактаб кўркига кўрк бўлиб кўшилган бу замонавий бино барчани хурсанд қилди. Янги ўқув биносининг фойдаланишга топширилиши натижасида биринчи навбатли ўқитиш тизими яратилди.

— Мана шундай кўркам, замонавий ўқув биноси биз учун жуда зарур эди, — дейди мактаб директори Ибодулло Эшмурадов. — Бунинг учун энг аввало Президентимизга минг раҳмат. Янги мактаб биноси жамоамиз учун Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида ажойиб совға бўди.

Дарҳақиқат, мактаб жамоасининг янги ўқув йилини ана шундай шодидоналар билан кутиб олганлиги, уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ,**  
“Жамият” махсус мухбири

